

Раҳмнинг эшик оғаси борлиги



15:41 / 15.09.2025 1220

وَأَنَّكَ أَكْبَرُ كُلِّ شَيْءٍ خَلْقًا وَجَعْلًا ۚ وَمَا يَشْعُرُونَ عِزَّكَ إِلَّا فِي الْحَقِّ وَبُرْهَانٍ ۚ ﴿١٢٢٠﴾

Ҳасандан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Раҳмнинг эшик оғалари бор. Улар ила Аллоҳ азза ва жаллага яқинлашилур», дедилар».

Шарҳ: Подшоҳнинг қабулхонасида иш юритувчини араб тилида «ҳажаба», эски ўзбек тилида «эшик оғаси» дейилади. У билан танишлиги бор одамнинг подшоҳнинг олдига кириши ва арзини айтиши осон бўлади.

«Раҳмнинг эшик оғалари бор».

Бу баёнотдан сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам раҳм қилиниши керак бўлган тараф ҳақида сўз юритмоқдалар.

«Раҳм» «Раҳмон»дан олингандир».

Қариндошлик алоқаси рамзи бўлган «раҳм», яъни бачадоннинг исми Аллоҳ таолонинг Раҳмон сифатидан олингандир. «Раҳм Раҳмонга ёпишгандир», деганда айнан шу маъно кўзда тутилган. Қолаверса, «раҳм» сўзи айни пайтда «қариндошлар алоқалари» деган маънони ҳам ифодалайди. Яъни қариндошлик алоқалари У Зотга энг яқин бўлган нарсадир. Шунинг учун ҳам бу нарсага ниҳоятда эътиборли бўлиш зарур.

«Ким уни боғласа, У Зот ҳам уни боғлайди».

Ким қариндошлик алоқаларини боғлаб, силаи раҳм қилса, Аллоҳ таоло ҳам у билан алоқа боғлайди. Унга раҳм кўрсатади.

«Ким уни кесса, Аллоҳ ҳам уни кесади».

Ким қариндошлик алоқаларини кесса, силаи раҳм қилмаса, Аллоҳ таоло ҳам ундан алоқасини кесади. Унга раҳм қилмайди.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар:

1. Раҳм қилувчиларга Раҳмон сифатли Аллоҳ таолонинг Ўзи раҳм қилиши.
2. Ер юзидаги барча нарсаларга раҳм қилганга осмон аҳли раҳм қилиши.
3. Раҳм – қариндошлик алоқаси Аллоҳ таолога боғлиқ нарса экани.
4. Ким силаи раҳм қилса, Аллоҳ таоло унга раҳм қилиши.
5. Ким силаи раҳмни кесса, Аллоҳ таоло ҳам ундан раҳматини кесиши.

نَمَحَّرُ لَكَ نَمَّةً حَرَّ لَهَا نِيءٌ لِقَوْلِي هَلْ لَكَ لَوْ سَرَّ مَفْنَمٌ تَعْمَسُ لِقَوْلِي رَهْبَةٌ بَابِ أَعْلَى
أَبِي جَيْفٍ لِقَوْلِي سُبْحَانَ رَبِّيَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الْكَاذِبِينَ لِقَوْلِي
«كَلِّمْ صَوْنًا لَوْ كَعَطِقُ نَمَّ عَطِقًا نُنِيضِرَتِ»

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оғизларидан шундай деганларини эшитдим: «Раҳм» «Раҳмон»дан олингандир. У: «Ё Роббим! Мен зулмга қолдим. Мен кесилдим. Ё Роббим! Менга ёмонлик қилинди», дейди. Шунда У Зот унга жавобан:

«Сени кесганни кесишимга, сени боғлаганни боғлашимга рози бўласанми?» дейди».

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қариндошлик алоқалари ҳар бир мўмин-мусулмон учун қанчалар аҳамиятга эгаллигини ажойиб услуб билан баён қилмоқдалар.

«Раҳм» «Раҳмон»дан олингандир».

Аллоҳнинг исми Раҳмондир. У Зотнинг ушбу сифатидан раҳмга «раҳм» деб исм қўйилган.

«Раҳмон» – улуғ неъматларни берувчи.

«Раҳмон» сифати барчага – кофирга ҳам, мўминга ҳам меҳрибон ва неъмат берувчи деган маънони англатади.

Шундай экан, қариндош ким бўлишидан қатъи назар, мўминми ёки ундай эмасми, унга бошқа қариндошлари меҳрибон бўлишлари ва Аллоҳ таоло уларга берган неъматлардан беришлари лозим бўлади.

Ундай бўлмаса, раҳм Раҳмон сифатли Аллоҳ таолога қуйидаги нидони қилади:

«Ё Роббим! Мен зулмга қолдим. Мен кесилдим. Ё Роббим! Менга ёмонлик қилинди», дейди».

Яъни бачадон – қариндошлик алоқалари: «Ё Роббим, менга зулм қилинди, яъни қариндошларим менга қарамай қўйишди. Мен кесилдим, мен учун қилинадиган алоқалар узилди. Ё Роббим, менга ёмонлик қилинди», дейди. Шу тариқа Аллоҳ таолога арз ва шикоят қилади.

«У Зот унга жавобан: «Сени кесганни кесишимга, сени боғлаганни боғлашимга рози бўласанми?» дейди».

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло раҳмнинг гапига жавоб бериб:

«Сендан алоқани узгандан Мен ҳам алоқани узайми? Шунга рози бўласанми? Қариндошлик алоқасини тиклаганга Мен ҳам шафқат қилайми? Шунга рози бўласанми?» дейди.

Демак, қариндошлик алоқаси шу даражада улуғ нарса эканки, уни кесмаслик, узмаслик, қариндошларга ёмонлик қилмаслик ва доимо фақат яхшилик қилиш керак. Чунки қариндошлик алоқасини боғлаб турган киши

айнан шу иш билан Аллоҳ таолога боғланиб турган бўлади ва Унинг раҳматидан ҳар қанча умидвор бўлишга ҳақли ҳисобланади. Аксинча, қариндошлик алоқасини кесган кишидан Аллоҳ таоло ҳам алоқасини узади ва бундай банда Аллоҳ таолонинг раҳматидан йироқ бўлади.

Бу жуда муҳим нарсa. Ҳар бир мўмин, ҳар бир мусулмон бу ҳақиқатни яхши билиши, тушуниб етиши ва унга амал қилиши лозим ва лобуддир.

«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 2-жуз.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида чоп қилинган.